

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON DAVLAT
JAHON TILLARI
UNIVERSITETI

100138, Toshkent sh., Kichik halqa yo'li
ko'chasi,
G-9A mavzesi, 21 uy, tel.: +998712301291



THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN
THE MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALISED
EDUCATION
UZBEKISTAN STATE
UNIVERSITY OF WORLD
LANGUAGES

Tashkent-100138, Kichik halqa yo'li
str.,
G-9A-21, tel.: +998712301291

2021 yil "11" 08

№ 336

BUYRUQ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 28 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 39-сонли баёнида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 28 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган "Ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда етим болаларни давлат томонидан қуллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш, шунингдек ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" видеоселектор йиғилишининг 39-сонли баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 6 августдаги 339-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Барча проректор, бўлим бошлиқлари ва факультет деканларига:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 28 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 39-сонли баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиниб, баёнда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан университет Назорат режаси [кейинги ўринларда - Назорат режаси деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.2. Мазкур баённинг иловаси билан Чилонзор туманидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат педагогика университетига бириктирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.3. Белгиланган масъуллар қуйидаги вазифаларни ижросини тўлиқ таъминласин:

а) Меҳрибонлик уйига тарбиячилар тайёрлаш, кутубхона фондиди бойитиш, болаларни ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ ва табиий

фанларга ўргатиш ва уларнинг келгусида олийгоҳларга киришига кўмаклашиш муҳитини шакллантириш, театр ва концертлар ташкил этишга масъуллар белгилансин;

б) абитуриентлар селекциясини шакллантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, кафедраларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳафтада камида икки мартаба тўғараклар ташкил этсин ва бунинг учун уларга алоҳида устама ҳақ тўланиши йўлга қўйилсин;

в) Факультет деканлари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига битирувчи курс аълочи талабаларини бириктирсин ва уларга мотивация бериб бориш амалиётини йўлга қўйсин;

г) бир ҳафта муддатда Меҳрибонлик уйларида 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тадбирларни назарда тутувчи университет "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

д) ушбу мақсадларда университетнинг бюджетдан ташқари маблағларининг 5 фоизигача бўлган миқдорини сарфлашга рухсат берилгани белгилаб қўйилсин;

е) Меҳрибонлик уйида амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва вазирлик веб-сайтида кенг ёритиб борилсин.

Йўл харитасида белгиланган масъуллар вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминласин.

3. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ректор

У.Азизов

ASLIGA TO'G'RI